
Ўзбекистон туманидаги марказий кўчалардан бирида янги намунадаги пиёдалар ўтиш йўлаги барпо этилди
Ўзбекистон тумани Оқтепа маҳалласидаги «Оқтепа» жомеъ масжид олдида махсус пиёдалар ўтиш йўлаги ишга тушди.



Мазкур пиёдалар махсус ўтиш йўлаги автомобиллар ва пиёдалар ҳаракатини замонавий қурилмалар, белгилар ва йўл чизиқлари билан тартибга солади. Электрон таблолар ҳайдовчилар хушёрлигини оширади. Тунда ҳам кундузгидай ушбу йўлдан пиёдалар хавфсиз кесиб ўтишлари мумкин.



Биз эса, азиз ҳайдовчиларимиздан доимо йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб,
пиёдаларга йўл беришларини сўраб қоламиз.
2021-02-25 23:53:11